



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 12 май, шанба • №37 (11.322)

Эркин нархда сотилади

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 11 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси бошланди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, чет эл ва республика оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи – котибиятни ташкил этиб, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ва 2001 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси бўйича молия вазири М.Нурмуродов маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Ахадов қўшимча маъруза қилди.

Мазкур масала муҳокама-си жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримов бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги ишларнинг етарли эмаслиги, ўз фаолиятига танқидий ёндашувнинг, маблағларни бюд-

жетга жалб этишда тўсқинлик қилувчи омилларнинг чуқур таҳлили йўқлиги борасида қатор танқидий мулоҳазалар билдирди. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, ижтимоий мақсадларга ажратилаётган бюджет маблағларидан фойдаланишнинг қониқарсизлиги, мамлакатимизнинг қатор вазирликлари ва идоралари, маҳаллий ҳокимлик органлари раҳбарлари томонидан бюджет ижроси бўйича назорат сусайтириб юборилганини қайд этди. Президент бу борада халқ хўжалиги тармоқларида бюджет ижроси, бошқарув аппарати учун ажратилган маблағларнинг мақсадли тарзда қисқартирилиши юзасидан доимий парламент назоратининг ўрнатилиши ва шу тариқа парламентнинг иқтисодий ислохотларнинг бориши, халқ ҳаёти фаровонлигини оширишга йўналтирилган ижтимоий дастурларнинг амалиётга жорий этилишига таъсирини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг асосий молия хужжати ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар муҳокама-сида Урганч касб-хунар қурилиш коллежи директори И. Бойжонов, Бўстонлик тумани ҳокими Ў. Нейматов, «Наманганкуркурилиш» трести бошқарувчиси Ш. Матмусаев, Нукус шаҳри ҳокими И. Қалмуратов, «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки бошқарувининг раиси Ж. Сайфиддинов иштирок этди. Депутатлар 2000 йил ва жорий йилнинг биринчи чораги бўйи-

ча давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А. Тўхташев «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини сессия эътиборига ҳавола этди. Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Бухоро аэропорти директори Т.Бахронов, Андижон вилояти қасаба уюшмалари кенгаши раиси А. Содиқов, Навбахор тумани ҳокими Г. Облоқулов, «Дон – халқ ризқи» акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси А. Темиров ўз мулоҳазаларини билдирди. Парламент «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқулади ва бу борадаги ишни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А. Турсунов «Мудофаа тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири ҳақида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи директори Э. Саидхмедов, Термиз тумани ҳокими Б. Панжеев, Олий Мажлисининг атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси котиби Э.Мирзаев, Улуг'нор тумани ҳокими К. Обидов ўз фикрларини билдиргач, депутатлар мазкур қонунни қабул қилди.

Парламентнинг кечки йиғили-

ши «Махсус юklar ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокама-си билан бошланди. Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И. Кочмарик мазкур масала юзасидан маъруза қилди. Ушбу ҳужжат муҳокама-сида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Фарғона бўлими бошлиғи М. Мирҳамзаев, Булунғур тумани ҳокими Х. Боймуродов, «Қашқадарёавтотўл» бирлашмаси раиси К. Панжеев, Шўрчи тумани «Пахта» акциядорлик жамияти раиси Р. Абдуллаев иштирок этди. Мазкур қонун ҳам қабул қилинди.

Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М. Сафоева сессия эътиборига Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини сил касалидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳавола этди. Мазкур масала юзасидан соғлиқни сақлаш вазирлиги Кардиология илмий-текшириш институти директори Р. Курбонов, Гулистон шаҳридаги 4-мактаб директори Г. Латипова, Амударё тумани ҳокими Р. Йўлдошев, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев сўзга чиққач, депутатлар қонунни қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси давом этмоқда.

Бугунги сонда:

2-бет

Миллий бошқарув:

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига катта талаблар қўйилмоқда ва уларга ҳуқуқий воқолатлар берилмоқда.

3-бет

Долзарб мавзу

Табиий, бойликларимиз орасида

сўв алоҳида ўрин тутди. Зеро, «Сув – ҳаёт манбаи» дея бежиз таъриф берилмаган.

4-5-бетлар
Tele dasturlar

6-бет

Муносабат

Ҳар йилги истиқлол тантаналари фидойиларнинг ёди билан бошланади. Улар бизга ҳар ишда ҳамкор, ҳамқадар, мададкор бўладилар.

7-бет

Олам ҳафта ичида:

Чингизхоннинг ёнида юрган шомон – афсунгар болаларга қарата дебди: «Худохонимизни Омон дорёлари бўйидаги Қизил қояга кўмишимизни истаяпти».

8-бет

8-саҳифа меҳмони

«Мухлисларим ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшасинлар. Токи бу ҳавас фақат яхшиликка етакласин...»

Муносабат

БОҚИЙЛИКНИНГ ЯНА БИР НИШОНАСИ

Инсонга абадий ҳамроҳ – хатирадир. Унинг хотираси кўзгусида ҳамма нарса тирикдек жавлон уради. Олис ўтмишнинг яхши-ёмон кунлари айнан шу кўзгуда муҳрланиб қалади. Ўтган йилнинг 12 майда очилган «Шаҳидлар хотираси» мажмуи бу кўзгунинг инъикоси бўлди. Улкан аркнинг ўртасидаги рамзий қабр тоши мустамлаканинг 130 йили давомида ўз жанини қурбон қилганларнинг ана шу қабр тошини тавоф қилдилар.

Қатагон қайси муҳитда, қайси маконда, қай йўсинда кечмасин – қатагондир. Унинг жодисига тушган инсон борки, омон қолиши мушкул. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги давомида тарихимизнинг шундай ҳаққоний саҳифалари очилдики, уни ўқиб, беадад ҳақсизликлардан боҳабар бўлдик. Бугунги мустақил-

лигимиз ўзи келмагани, бу кунларга етишимизнинг ўзи бўлмаганига иймон келтирдик. Она юртимизнинг асл ўғлонлари олис тупроқларда беному нишон кетганини чексиз алам, қайғу билан эсладик. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун белимизни маҳкам боғладик. Бунинг учун

(Давоми 6-бетда).

Тадбир

ЮРТ ПОЛВОНЛАРИ БЕЛЛАШГАНДА

Шу йил 9 май куни Паркент туманидаги «Қўшчино» истироҳат боғига йиғилган салкам 5 мингга яқин спорт ишқибозлари Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан Тошкент вилояти ҳокимининг кубоги учун ўтказилган миллий кураш мусобақаларининг гувоҳи бўлдилар.



(Давоми 6-бетда).

Маҳаллий бошқарув:

ТАЖРИБА, ТАШАББУС, ИЗЛАНИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда кечаётган демократик жараён, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этиш ишини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорига мувофиқ шу йилнинг май-июнь ойларида бу қуйи бошқарув органларига ўтказилажак сайловларга катта эътибор берилмоқда.

Аслида ҳам бўлғуси сайловлар улкан сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Бу тадбир давлат ва ижтимоий ҳаётни янада эркинлаштириш, фуқароларнинг ўтказилаётган демократик ислохотлардаги фаоллигини ошириш йўлидаги муҳим босқичдир. Қолаверса, яқинлашиб келаётган сайловлар республика Олий Мажлиси томонидан 1999 йилда янги тахирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганидан кейин ўтказилаётган биринчи сиёсий кампаниядир.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жойларда ушбу сайловларни ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш бўйича тайёргарлик жараёнини ҳар томонлама кенг қамровли олиб бориш юзасидан пухта ишламоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, бу йил вилоятимизда 147та қишлоқ, 18та шаҳарча ва кўрғон фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳамда 1249та маҳалла йиғинларига сайловлар бўлиб ўтади. Кўриниб турибдики, бу жуда катта кучдир.

Айни кунларда вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ тузилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси ва маҳаллий ҳокимликлар унга алоҳида масъулият билан ёндошмоқда. Ҳозиргача сайловларни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган бир қатор салмоқли тадбирлар ўтказилди. Вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида апрель ойининг ўрталарида ташкил этилган семинар-кенгашлар аста-секин бевосита жойларга кўчирилди. Уларда

нафақат сайлов, балки, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини янада ривожлантириш билан боғлиқ қатор масалалар, муаммолар муҳокама этилмоқда. Ҳозиргача ана шундай ҳудудий семинар-кенгашлар Оҳангарон, Бўка туманлари, Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтди.

Бу семинар-кенгашларда шаҳар, туман ҳокимликларининг ташкилий-кадрлар ишлари бўйича гуруҳлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялари, шаҳар, туман ҳокимларининг бу ишга мутасадди бўлган ўринбосарлари, қишлоқ, овул, шаҳарча ҳамда маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят, шаҳар, туман бўлимлари раҳбарлари, жойлардан сайланган Олий Мажлис ва вилоят Кенгаши депутатлари билан биргаликда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, молия, адлия, ички ишлар идоралари, давлат мулк кўмитаси, солиқ инспекциялари ҳамда жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этаётганлиги ва бу йиғинларнинг маҳаллий матбуот нашрларида кенг ёритиб борилаётганлиги диққатга сазовордир.

Қуйи бошқарув органларига бўладиган сайлов олдидан ташкил этилаётган бундай ҳудудий семинар-кенгашларни ўтказишдан асосий мақсад биринчи галда унинг мазмун-моҳиятини фуқароларимизга, бу ишга масъул идораларга кенг тушунтириш бўлса, иккинчидан, бу катта ижтимоий-сиёсий жараёнда фуқароларимизнинг фаол

иштирокини таъминлаш, ўз овозига, фикрига эга бўлишини шакллантириш, – дейди вилоят ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари Ю. Шарипов. – Шунинг қониқли билан айтиш мумкинки, ўтказилаётган анжуманлар яхши самара бермоқда. Уларда қуйи бошқарув органлари фаолиятидаги ютуқлар билан биргаликда камчиликлар ҳам рўй-рост айтилмоқда. Уларни бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар билдирилмоқда. Энг муҳими бу жараён ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига тобора катта талаблар қўйилмоқда ва уларга ҳуқуқий ваколатлар берилмоқда. Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан назоратни амалга ошириш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ижтимоий мадад учун давлат томонидан ажратилаётган маблағлардан тўғри фойдаланиш, халқимизнинг тарихий, маънавий, ахлоқий қадриятлари, анъаналари, маданиятини тиклаш, халқимизнинг тинчлик ва хотиржамлигини сақлаб туришда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан ҳамкорликни кучайтириш, тўй ва маросимларни ўтказишдаги янги таомил ва усулларни жорий этиш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш сингари долзарб масалалар борки, буларнинг ҳаммаси эндиликда қуйи бошқарув органлари фаолиятини нафақат такомиллаштириш, айни вақтда уларга ҳар томонлама ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор орттирган, билим ва тажрибага эга бўлган ҳалол, адолатли кадрлар раҳбарлик қилишини ҳам талаб этади.

Семинар-кенгашларда сайловларни адолатлилик, қонунийлик, ошкоралик, демократик руҳда ўтказиш, унда жамоатчиликнинг, барча миллат ва элат вакиллари иштирокини таъминлаш, хотин-қизлар кўмиталарининг ролини ошириш, сиёсий кампанияни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш билан боғлиқ масалалар ҳам кенг муҳокама этилмоқда ва тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.

Бизнингча, ўтказилаётган семинар-кенгашлар бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлиб, пировардида, жойларда қуйи бошқарув органлари сайлови юқори савияда, ташкилий жиҳатдан пухта ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

Раҳбар кадрлар ўқуви: ИККИНЧИ БОСҚИЧ

Раҳбарнинг салоҳияти, билими, тажрибаси нимага боғлиқ? Замонавий раҳбар қандай шаклланади, унга қўйиладиган талаблар нималардан иборат? Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятни эркинлаштириш жараёнида у қандай рол ўйнайди? Албатта, биз бу борада умумий тушунчага эгамиз.

Лекин республикаимизда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланиш жараёни бизга бу талабларга тўла-тўқис жавоб берадиган кадрлар тизими зарур эканлигини кўрсатмоқда. Мана шунинг учун ҳам раҳбар кадрлар тайёрлаш, уларни ўқитиш, жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш масаласига алоҳида ёндошилмоқда. Буни биргина Тошкент вилоят ҳокимлиги фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳокимлик вилоят, шаҳар ва туманларда кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш, амалдаги ва истиқболда бўлган кадрлар захирасини яратиш, уларни раҳбарлик лавозимларига босқичма-босқич тайёрлаб бориш мақсадида ўқитиш, тажриба ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш юзасидан салмоқли ишлар қилмоқда.

Шу йилнинг апрель ойида вилоят ҳокимлигида захирага олинган кадрлар учун икки кунлик ўқув-машғулот ташкил этилган эди. Эндиликда бу жараён янада такомиллаштириш, чуқурлаштириш мақсадида вилоят ҳокимининг махсус фармойиши қабул қилинди. Ана шу фармойишга мувофиқ раҳбар лавозимларга захира сифатида мўлжалланган номзодларнинг малакасини ошириш мақсадида махсус ўқув курслари ташкил этилди. Умуман, вилоятда кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шунга мувофиқ 2001 йилнинг 7-12 май кунлари вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида улар учун биринчи ўқув дастури бўлиб ўтди. Бир ҳафтalik ўқув-машғулот давомида тингловчилар учун «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари», «Ўзбекистонда демократик ривожланишни таъминловчи асосий қонунлар», «Республика кадрлар сиёсатининг ҳуқуқий асослари», «Давлат бошқаруви»ни ислох қилиш ва эркинлаштириш шариоитида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш соҳасида амалий кўникмаларни яратиш ва ривожлантириш», «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш – баркамол авлоднинг тарбиялаш гаровидир», «Бозор иқтисодиёти шариоитида бошқарув ва маркетинг», «Жамият сиёсий ҳаётини ва давлат қурилишини янада такомиллаштиришнинг стратегик йўналишлари», «Бошқарув психологияси» сингари бир қатор долзарб мавзуларда маърузалар ўқилди ва

фикр-мулоҳазалар баён этилди.

Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, вилоят ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳи бу ўқув курсининг ташкилий жиҳатдан юқори савияда бўлиши, машғулотларга малакали ўқитувчиларнинг жалб этиш масаласига алоҳида масъулият билан ёндошди. Хусусан, ўқув курсларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда шу академия қошидаги «Раҳбар» маркази, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг малакали профессор-ўқитувчилари томонидан қилинган маърузалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўқув давомида ўтказилган амалий машғулотлар жонли, фикр-мулоҳаза, таклифларга бой бўлди. Энг муҳими ундан иштирокчилар нафақат билим ва тажриба ўргандилар, айни вақтда ўзлари ҳам дарсларнинг фаол иштирокчисига айландилар. Ўқув якунида тингловчилар тест синовларидан ўтдилар.

Вилоятимизда кадрлар билан ишлаш тизимини кенг кўламли олиб боришга ҳаракат қилинмоқда. Бу борада махсус дастур ва тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, бу йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқиш истагини билдирган 70дан ортиқ номзодлар тест синовларидан ўтдилар. Шунингдек, шу академия қошидаги «Раҳбар» марказида ўндан ортиқ ёш кадрлар бошқарув хизмати қисқа курси бўйича малака оширдилар, – дейди вилоят ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари Ю. Шарипов. – Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти қошида ташкил этилган ҳафтalik ўқув курслари эса кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш жараёнида олиб борилаётган ишларнинг иккинчи босқичидир. Мақсадимиз бундай ўқув курсларини мунтазам ўтказиб бориш. Шу тариқа вилоятимизда, шаҳар ва туманларда бугунги замон раҳбар кадрларини шакллантиришга эришишди. Қолаверса, бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 3 августдаги 303-сонли қарори талабларининг бажарилишини таъминлашга амалий жавоб бўлади.

Ташкил этилган ҳафтalik ўқув курслари яна уч гуруҳда давом эттирилади.

Ўз мухбиримиз.

ПИЛЛАКОРЛАР САРДОРИ

ЯНГИЙЎЛ туманидаги А.Ортиқов номли ширкат хўжалигида Гулноза Мадраимовага шундай таъриф берилади. Унинг 40 йиллик фаолиятида орттирган бой тажрибасини, ҳатто, туманда ҳам эътироф этишди.

ЎТГАН йилги мавсумда Г.Мадраимова икки қути ипак қуртини парваришлаб, давлатга 240 килограмм юқори навли пилла топширди. Лекин пиллакорларнинг сардори бўлганлигининг сабаби фақат бу эмас. Гап шундаки, ҳар йили хўжаликда ипак қурти шу тажрибали пиллакорнинг раҳбарлигида очирilib, хонадонларга тарқатилади ва бутун мавсум давомида унинг маслаҳат ва йўл-йўриқларига амал қилган ҳолда парваришланади.

Бу йил ҳам 212 қути уруғни жонлан-



тириш ва 152та хонадонга тарқатишда Г.Мадраимованинг ўзи бош-қош бўлди. Пиллакорларга ҳар қути учун



олдиндан бўнак пули берилди. Зулфия Хамидова, Фарҳод Фозилов, Шаҳрам Саипов сингари пиллакорлар икки қутидан курт олиб парвариш қилишмоқда. Улар ҳар қутидан камида 100 килограммдан сифатли хомашё топширишни мўлжаллашмоқда.

– Хўжалигимиз ҳар йили давлатга пилла топшириш режасини туманда биринчилардан бўлиб бажаради, – дейди Гулноза Мадраимова. – Бу йил ҳам пешқадамликни қўлдан бермаслигимиз ҳозирда ноқ маълум бўлиб қолди. Эртдан бошлаб олди хонадонларда сўрига даста қўйишни бошлаймиз.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) Гулноза Мадраимова (ўртада) Хувайдо Топиболдиева билан Дилшода Содиковага маслаҳат бермоқда; Гулчеҳра Қўзиева билан Назокат Топиболдиева қуртларга барг тайёрлашяпти.

Дилшод АХМЕДОВ олган сурат.

Мухбиримизнинг вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Умар Муслимов билан суҳбати айнан шу мавзуда бўлди.

— Умар Ваҳобович, кейинги йилларда суғорма сувлардан фойдаланишда ўзбошимчалик қилиш ҳоллари кучайиб кетди. Гўё сув манбаларининг қонуний эгаси йўқдек. Сув манбаларини тасарруф этиш тўғрисида биронта қонун ва назорат қиладиган ташкилот борми?

— Униси ҳам, буниси ҳам бор. Вақти-вақти билан ҳукумат ва маҳаллий бошқарув органларининг қарорлари ҳам эълон қилиб турилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида сувни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш лозимлиги қайд этилган. Асосий Қонунимизнинг ана шу моддасига мувофиқ 1993 йил 6 майда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Конституциявий талабларни ўзида мужассамлаштирган ушбу Қонунда мамлакатнинг ягона сув фонди дарёлар, кўллар, ер усти сув ҳавзалари ва манбалари, канал ва ҳовузларнинг сувлари, ер ости сувлари ҳамда музликлардан иборат эканлиги белгилаб қўйилган. У сув ва сувдан фойдаланишга оид барча муносабатларни тартибга солади ва мавжуд корхона, ташкилот, муассаса, ширкат ва фермер ҳўжаликлари, шунингдек фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларини ҳимоя қиладди.

— Лекин ана шундай қонуний ҳужжатлар амал қилиб турганига қарамай, илгари у қадар сезилмаган сув тақчиллиги муаммоси кейинги йилларда кучайиб бормоқда...

— Афсуски, шундай ҳол кузатиляпти. Шунинг билан республика Вазирлар Маҳкамаси 1993 йилнинг августидан халқ ҳўжалиги ҳамда аҳолини сув билан қамолати таъминлаш ва ундан тежамли фойдаланиш мақсадида махсус қарор қабул қилиб, сувдан чекланган микдорда фойдаланишга оид вақтинчалик тартиб жорий этганди. Ушбу қарорга мувофиқ мелiorация ва сув ҳўжалиги таркибида сувдан чекланган микдорда фойдаланишни назорат қилувчи «Ўзсувназорат» бошқармаси ва ҳамма вилоятларда унинг бўлимлари ташкил этилди. Жумладан, вилоятимиз сув назорати инспекцияси «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун билан белгиланган тартиб ва тадбирларнинг бажарилиши, вилоят ҳудудида сувга доир муносабатларнинг амал қилиши, сувдан оқилона фойдаланиш, унинг ифлосланиши, исроф қилиниши ва камайиб кетишдан сақлаш ҳамда мавжуд сув объектлари ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ тадбирларнинг талаб даражасида амалга оширилишини назорат қиладди ва бу соҳадаги ҳар қандай қонунбузарликларга нисбатан қонуний чоралар кўрилишини таъминлайди.

— Инспекция ўз зиммасидаги ушбу вазифани қай даражада ундаляпти?

— Сув тақчиллиги тобора кучлироқ сезилаётган кейинги пайтларда вилоят сув назорати инспекцияси ҳам ўз фаолиятининг асосий йўналиши бўлган

ТОМА-ТОМА...

ИСРОФ БЎЛМАСИН

Табиий бойликларимиз орасида сув алоҳида ўрин тутати. Зеро, «Сув — ҳаёт манбаи» дея бежиз таъриф берилмаган. Сув ана шундай азиз ва ҳамиша зарур неъмат. Қаердаки унинг қадрига етиб, оқилона фойдаланилса, ўша ерда мўл-кўлчилик бўлади. Ва аксинча, сувга беписанд муносабатда бўлинса, ҳудобехудасарфлаб, исроф қилинса, тақчиллик юз бериши, қишлоқ ҳўжалигида эса ҳосил ва даромаддан барака учиши тайин. Кейинги икки-уч йил давомида вужудга келган вазият ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг исботидир.

сувдан лимитдан ортиқча, яъни ҳўжасизларча фойдаланаётганларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни қўллашни кучайтирмоқда. Масалан, инспекция ходимлари ўтган мавсум давомида белгиланган лимитга нисбатан Янгийўл туманида 169 фоиз, Пскент туманида 150, Чиноз туманида 137, Бўка ва Бекобод туманларида 125 фоиз ортиқча сув сарфланганлигини аниқлашди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил август қарорига мувофиқ ҳар бир ҳўжалик вакили сув билан таъминловчи ҳўжалик билан бир кунда уч марта олган суви юзасидан ҳужжат расмийлаштириб, имзо қўйиб тасдиқлаши лозим. Лекин кўп ҳолларда бу тартиб ҳўжалик вакиллари томонидан бузиляпти.

Бундан ташқари истеъмолчи сув олишдан беш кун аввал зарур бўладиган сув микдорини кўрсатиб, унинг экин тури ва талабга мувофиқлигини исботлаб, сувга буюртма бериши керак. Лекин бу қоидага ҳам ҳўжалик вакиллари яхши амал қилишмаяпти, сувни ўзбошимчалик билан очиб олиш ҳоллари кузатиляпти. Ўтган мавсумда вилоят назорат инспекцияси ходимлари томонидан ана шу тартиббузарликлар юзасидан 261та далолатнома, мансабдор шахсларга нисбатан эса 80та баённома тузилди. Бу йилнинг биринчи чорагида эса 57та далолатнома тайёрланиб, тегишли идораларга тақдим этилди.

— Сувдан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжи билан вилоятдаги мавжуд манба ва улардаги сув захиралари ўртасидаги нисбат қандай?

— Бугунги кунда вилоятимизда сувдан фойдаланувчилар сони 804та бўлиб, шундан 469таси қишлоқ ҳўжалиги, 10таси балиқ ҳўжалиги, қолганлари турли тармок қорхоналари. Асосий сув манбалари эса Сирдарё, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлариدير.

Вилоятда жами суғориладиган экин майдонлари 385 минг гектардан зиёд. Шундан 300 минг гектари Чирчиқ, 50 минг гектари Оҳангарон ва 35 минг гектари Сирдарёдан сув ичади. Жами экин майдонларини сув билан таъминлаш учун учта йирик — Чорбоғ, Тошкент ва Оҳангарон сув омборлари хизмат қиладди.

Республика гидрометеорология бош бошқармасининг 2001 йилги суғориш мавсумида вазият қандай бўлиши юзасидан ўтказган тахминий ҳисоб-китоб (башорат)ларига қараганда, Чорбоғ сув омборига қуйиладиган 4та дарё сувининг йиғиндиси кўп йиллик меъёрга нисбатан 76 фоиз, Оҳангарон дарёсининг Ёртош кузатиш жойида эса 63 фоиз бўлиши кутилмоқда.

— Демак, бу йилги вазият кўшимча чора-тадбирлар кўришни тақозо этади. Бу борада амалий иш қилинмаптими?

— Аввало, бу йилги сув тақчиллигини енгиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида вилоят ҳокимининг махсус қарори эълон қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, ушбу қарор асосида жойларда бир қатор ташкилий ва амалий ишлар қилинди. Чунончи, чекланган сув микдори бўйича белгиланган меъёрлар барча туманларга етказилиб, сувдан фойдаланувчи мавжуд 804та объект билан шу меъёрларга мувофиқ шартномалар тузилди.

Маълумки, бор сувдан тежамли ва самарали фойдаланишнинг муҳим шартларидан бири ариқ-зовурларнинг доимо тоза ва раво ҳолда сақланишидир. Бу йил ҳўжаликлараро ва ички ариқ-зовурларни тозалаш ва таъмирлашга жиддий эътибор берилди. Бироқ айрим фермерларимиз ҳўжаликка тегишли ички ариқлардан фойдаланишда-ю, уларни тозалаш ва тартибга келтириш масаласига келганда бунини ҳўжалик бажариши керак, деб

Долзарб мавзу

ўйлайдилар. Ваҳоланки, ҳар бир фермер ўз ҳудудидаги ариқ-зовурларни ўзи тозалаши шарт.

Ўтган мавсумда Бекобод туманида сув тақчиллиги кучли сезилганини ҳисобга олиб, 14та сув насоси ўрнатиш режалаштирилди. 10та тик қудуқ қайта тикланиши керак. Ҳозир бештаси тиклаб бўлинди, қолгани ҳам мавсум давомида яроқли ҳолга келтирилади.

Бундан ташқари ҳўжаликларга вақтида сув етказиб бериш мақсадида 778 километр узунликдаги ҳўжаликлараро каналлар, 287та йирик гидротехник иншоот ва сув ўлчайдиган 3 мингдан зиёд асбоб таъмирланди.

Сувни имкони борица тежаб ишлатиш мақсадида ҳўжаликлар ўртасида навбатма-навбат сув олиш, унинг сарфига қараб етарлича сувчи бириктириш ва тунги суғоришни ташкил этиш йўл-йўриқлари белгилаб олинди.

Дарёлардан олинадиганидан ташқари кўшимча сув ресурсларига эга бўлиш мақсадида туманларда 440 километр узунликда коллектор зовурлар тозаланди ва уларга ҳўжаликлар томонидан 473та насос ўрнатилиб, кўшимча 200 миллион куб метр сув олиш имконияти яратилди. Шунингдек, давлат ҳисобидан 134та насос станцияси ёрдамида 710 миллион куб метр сув чиқарилиб, 75 минг гектар майдондаги экин суғорилади. Бунинг учун эса кўплаб электр қуввати сарфланиши ва унинг 1 кВти 4 сўм 80 тийин туришини ҳисобга олиб, ҳўжаликлар ва фермерлар сувдан иложи борица самарали фойдаланишлари, электр қувватини тежашлари зарур. Лекин, насосларни ишлатиш қимматга тушаётганига қарамай, кўпгина ҳўжаликларда сувлар оқавага ташлаб, қаровсиз қолдирилмоқда.

— Ўтган йили бутун республикада бўлганидек, бизнинг вилоятимизда ҳам сув тақчиллиги ҳар қачонгидан кучлироқ сезилди. Бу йил нисбатан қай даражада бўлиши кутилмоқда?

— Вилоятимиздаги учта йирик сув омборида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 358 миллион куб метр кўп сув тўпланди. Чирчиқ дарёси ҳавзасида қор суви захираси 2000 йилдагига нисбатан 110-130 фоиз ёки меъёрга нисбатан 80-90 фоиз, Оҳангарон ҳавзасида эса меъёрга яқин бўлди. Ҳисоб-китобларга кўра Чорбоғ сув омборида 1300-1400 миллион куб метр, Тошкент сув омборида 250 миллион куб метр, Оҳангарон сув омборида 200 миллион куб метр ҳажмда сув тўплаш мўлжалланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тўпландиган сув захиралари вилоятимиздаги барча ишлаб чиқариш соҳаларини тўлиқ таъминлаш учун етарлидир. Аммо, бу хотиржамликка берилиш учун асос бўлмаслиги керак. Ҳамма ерда ўзбошимчалик ва ҳўжасизликка бутунлай барҳам берилиб, сувнинг беҳудаси исроф қилинишига бутун чоралар билан чек қўйилмас экан, тақчиллик муаммосидан қутулиб бўлмайди.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири Абдусамад Йўлдошев суҳбатлашди.

ФУҚАРОЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Зангиота туманида фуқаролар учун яна бир қўлайлик яратилди. Туман ички ишлар бўлими паспорт столи ходимлари янги қўрилган бинога кўчиб ўтишди.

Шу муносабат билан бўлган тантанада вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳамидулла Асадов, Ўзбекистон Республикаси ИИБ фахрийларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказининг раҳбари, истеъфодаги генерал-майор Фафур Раҳимов, Вазирликнинг хорижа чиқиш ва кириш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи милиция пол-

ковниги Бадриддин Шорихсиев, вилоят ИИБ бошлиғи милиция полковниги Шораҳим Расуловлар иштирок этишди.

Айниқса, бир гуруҳ балогат ёшига етган йигит-қизлар бу кунни умрбод эслаб юришади. Уларга янги бинода Ўзбекистон Республикасининг паспортлари топширилди.

— Янги биномиз фуқаролар учун ниҳоятда қўлай, —

Янгилик

дейди паспорт столи бошлиғи милиция майори Расулжон Содиков. — Улар ҳеч қандай монеликсиз бу ерга кириб, ўз муаммоларини ҳал қила оладилар. Барча ишлар тез, пишиқ-пукта бажарилиши учун идорамиз мукамал жиҳозланди. Компьютер маркази ишга тушди. Олис Хонобод ва Назарбек қишлоқларида эса, алоҳида қабулхоналар ташкил этилди.

Жўрабек МУРОДОВ.

«ВАТАН ЯҒОНАДИР,

ВАТАН БИТТАДИР»

Ангренда бўлиб ўтган жамоатчилиқнинг навбатдаги йиғилиши шу мавзуга бағишланди.

Унда турли нодавлат ташкилотлари ва нодавлат уюшмалари, жамғармалари, фаоллар вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, маҳалла кўмиталари раислари, қорхоналар, ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Ҳожи Абдураззоқ Юнус,

республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича кўмита раиси ўринбосари Салимхожи Меликулов ёшларни турли реакцияни диний оқимлар таъсирига берилишининг олдини олиш, уларда она-Ватанга, ота-оналарига нисбатан меҳр-муҳаббат руҳини шакллантириш ҳақида сўз юритдилар.

Ўз мухбиримиз.

Dushanba

14

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
*
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 Улуг аждодларимизга эхтиром. «Ал-Фарғоний». Хужжатли фильм («Ўзкинохроника»)
9.10 «Сизга ўхшагим келади». Мусикий дастур.
9.35, 12.30 ТВ - метео.
9.40 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Ўлим билан олишув». Бадий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокмпанияси камер оркестри-

нинг концерти.
12.05 «Шохрух» клуби.
12.35 «Олтин тож», Телевизион ўйин.
12.55 «Мақтанчоқ филча». Мультфильм.
13.00 «Музыка». Ўзбекистон халқ артисти М. Раззокова билан учрашув.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
14.25 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 Кундузги сеанс: «Ўғил бола гап».
Бадий фильм.
16.10 ТВ-анонс.
16.15 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.40 Экранда - телесериал. «Мерос».
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».

18.25 «Ҳамоханг наволар».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45 Ёлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тошкент баҳори -2001» 1 Халқаро мусиқа фестивалининг ёпилиши.
21.50 «Маънавият» дастури.
22.50 Теннис бўйича «Челленжер» Халқаро турнири.
23.20 «Ахборот».
23.55 Тунги сеанс: «Йўқолган ҳазина». Бадий фильм.
1.20-1.25 Ватан тим-соллари.

«Ёшлар» телеканал

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 14 май «Ёшлар» телеканал соат 17.15дан бошланади.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 26-қисм.
17.45 «Мульттомоша».
18.00 «Қамолот». Хаваскорлар телетан-лови.
18.20 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 5-қисм.
18.45 «Оқшом навола-ри».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Абдурашид Саидов куйлайди». Мусикий фильм премьераси.

20.00 «Ёшлар овози».
20.20 Мухаббат қўшиқ-лари.
20.35, 21.25, 22.30 Ёлонлар.
20.40 «Ёшлар» телека-налида премьераси: «Чарли шампани». Бадий фильм. 1-қисм.
21.30 «Қишлоқдаги тенгдошим».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифа-лари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телека-налида спорт: Фут-бол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.15-1.20 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.

18.30, 21.00, 22.30, 23.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эхтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табрик-лаймиз, кутлаймиз».
20.40, 22.50 «Эксп-ресс» телегазетаси.
21.55 «Авто-news».
22.10 «ТВ плюс».
23.10 «Оҳанглар ва ёлонлар».
23.15 ТТВда сериал: «Селеста».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00

15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Контакт».
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.15 «Болалар куйлаганда».
17.20 «Саёхатлар олами».
17.35 «Канн фестива-лининг кундалиги».
*
17.45 «Мени куттил».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».

20.40 «Бизнес-ревью».
20.50 «ТВ-4» да «Немис тўлкини».
21.05 «Клип антракт».
21.20 Кинематограф. «Тепаликдаги уй». Бадий фильм.
22.40 «Ахборот» (рус тилида)
23.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Seshanba

15

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Хаёл».
9.05 Лирик тароналар.
9.25, 12.30 ТВ-метео.
9.30 «Қувноқ шаҳарча». Телеўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 Кундузги сеанс: «Суюнчи». Бадий фильм.
11.15 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
11.35, 15.20 ТВ-анонс.
11.40 «Бешбармоқ». Тележурнал.
12.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.
«Оиламиз оҳанглари» телефестивали.
12.35 «Маънавият» дастури.
13.35 «Баркамол

авлод» спорт ўйинла-ри яқунларига доир.
13.55, 16.45 ТВ-клип.
14.10 «Келинлар кўзғолони». Абдор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
1-қисм.
15.25 «Бинафша». Тележурнал.
15.50 «Келинлар кўзғолони». Абдор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
2-қисм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдироти: «Қирол-ликдаги саргузашт-лар». Мультфильм премьераси.
18.35 «Орзулар дово-ни».
18.45 Эстрада тарона-лари.
19.05 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навийхонлик».
21.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига. «Сиз азиз инсонларнинг қосбонларисиз». «Ўзбектеелефильм» премьераси.
21.45 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»-«Трактор».
22.30 «Келин -куёв». Телешоу.
23.40 «Ахборот».
00.15 Тунги сеанс: «Оилавий ҳаётдан лавҳалар». Бадий фильм.
1.30-1.35 Ватан тим-соллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Мульттомоша».
9.30 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал 26-қисм.
9.55, 12.35, 14.20, 17.05 Мусикий лаҳзалар.
10.05 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.25 «Саломат бўлинг».
10.45 «Даллас». Теле-сериал.
11.30 Ёшлар овози.
11.50 «Чарли шампа-ни». Бадий фильм. 1-қисм.
12.45 «Ёшлар» телека-налида спорт: Фут-бол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
14.30 «Истиклол гунчалари». Хужжатли фильм.
14.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 5-қисм.
15.15 «Қусто команда-сининг суюсти саргузаштлари». Телесериал. 87-қисм.
16.05 «Келинлар келинг, сирлашайлик».
16.25 «Ёшлар» телека-налида спорт: Теннис.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».
17.35 «Мульттомоша».

17.50 Ёшлар куйлайди.
18.05 Минг бир маслаҳат.
18.25 «Авторейд».
18.40 «Оқшом навола-ри».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Мусикий лаҳза-лар.
19.55 Ёшлар овози.
20.10 Марду майдон.
20.30, 21.25, 22.30 Ёлонлар.
20.35 «Чарли шампа-ни». Бадий фильм. 2-қисм.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига «Умр дафтери: Мутал Бурҳонов». 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифа-лари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телека-

налида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпио-нати.
0.15-0.20 «Хайрли тун!».
«Тошкент» телеканал
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Она-шаҳрим жамоли».
18.30, 21.00, 23.00, 00.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эхтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табрик-лаймиз, кутлаймиз».
20.40, 22.40 «Эксп-ресс» телегазетаси.
21.55 «Дурдона».
22.10 «Хонадонингиз осойишта бўлсин».
23.25 Оҳанглар ва ёлонлар.
23.30 ТТВда сериал: «Селеста».
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30 - 8.00.
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ.
*
15.00 Кўрсатувлар

тартиби.
15.05 «Мультчархпа-лак».
15.20 «Клип антракт».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.00 «Британия кундалиги».
*
17.15 «Қусто команда-сининг барча саёхат-лари». Сериал.
17.45 «Болалар куйлаганда».
17.55 «Ўз-ўзига режиссёр».
18.25 «Х-Спорт».
*
18.40 «Зарбдор куч». Сериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.50 «Бизнес-ревью».
20.55 «Клип антракт».
21.10 Кинематограф. «Салом, мен холан-гизман». Бадий фильм.
22.50 «Ахборот» (рус тилида)
23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

20.50 «Бизнес-ревью».
20.55 «Клип антракт».
21.10 Кинематограф. «Салом, мен холан-гизман». Бадий фильм.
22.50 «Ахборот» (рус тилида)
23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Chorshanba

16

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Тўй либослари».
9.15 «Созим - ҳамро-зим». Мусикий дастур.
9.35, 12.25 ТВ-метео.
9.40 «Ўртинқул ва ялқовлар». Мульт-фильм.
9.50 «Тиббиёт одимла-ри».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 Алифбо сабоқ-лари.
10.25 ТВ-1 кинотеатри «Биринчи қалдирғоч». Бадий фильм.
11.35 «Қамолот сари».
11.50, 13.55 ТВ-анонс.
12.05 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
12.30 «Баркамол

авлод» спорт ўйинла-ри яқунларига доир.
12.50 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи» почта-сининг.
13.25 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Меҳр нури ёғар доим». Мусикий дастур.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.35 Саргузашт фильмлар экрани: «Ўғирланган». Бадий фильм.
16.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Насаф»-«Андижон».
17.00 ТВ-клип.
17.05 Экранда - телесериал «Мерос».
18.10 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
18.30 «Инвестиция».
18.40 «Мусикий аль-бом».
18.45 «Ифтихор».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.20 «Даврани кенгрок олинг». Мусикий дам олиш дастури.
22.05 «Футбол олами».
«Тунги ҳамроҳ».
22.25 «Замонамизнинг ёш қахрамонлари».
22.40 «Дунё эшиклари очилар бизга».
23.00 «Олам». Телеаль-манах.
23.35 «Ахборот».
00.10 Тунги сеанс: «Дерсу Узала». Бадий фильм. 1-қисм.
1.15-1.20 Ватан тим-соллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».
9.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.55, 12.55 Мусикий лаҳзалар.

10.00 «Давр»-интервью.
10.15 Ватан ҳақида қўшиқлар.
10.25 «Нақшлар бўсто-ни». Телефильм.
10.40 Ёшлар овози.
11.00 «Даллас». Теле-сериал.
11.45 «Қамолот». Хаваскорлар телетан-лови.
12.05 «Чарли шампа-ни». Бадий фильм. 2-қисм.
13.05 «У ким? Бу нима?» Болалар учун кўрсатув.
13.25 Болалар экрани «Бэмбининг болали-ги».
14.35 Умид чечаклари.
14.50 «Эхтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
15.15 Авторейд.
15.30 «Ажойиб хаёлпа-раст». Бадий фильм («Ўзбекфильм»)
16.45 Вилоятлар ёш хонандалари куйлай-ди.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув».
17.40 «Мени тушун...» Телеўйин.

18.05 Ёшлар куйлайди.
18.20 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 6-қисм.
18.45 «Оқшом навола-ри».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Сийрат».
19.55, 20.55, 22.30 Ёлонлар.
20.00 «Спорт - лото».
20.10 «Очил дастур-хон».
20.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
21.15 Ёшлик наволари.
21.30 «Умр дафтери: Мутал Бурҳонов». 2-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифа-лари.
22.50 «Даллас». Теле-сериал.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интер-футбол.
1.25-1.30 «Хайрли

тун!».
«Тошкент» телеканал
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Аёл - она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
18.30, 21.00, 23.05, 00.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эхтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табрик-лаймиз, кутлаймиз».
20.40, 22.45 «Эксп-ресс» телегазетаси.
21.55 «Янги иқтисод».
22.25 «Хусусийлашти-риш: қадам-бақадам».
23.30 Оҳанглар ва ёлонлар.
23.35 ТТВда сериал: «Селеста».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30 - 8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ.
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз

тилида)
15.15 «Мультчархпа-лак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Болалар куйлаганда».
17.05 «Канн фестива-лининг кундалиги».
*
17.15 «Қусто команда-сининг барча саёхат-лари». Сериал.
*
17.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.55 «Инсон ва қонун».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.50 «Бизнес-ревью».
21.00 «СНН-шоу».
21.15 «Клип антракт».
21.30 Кинематограф. «Тўй». Бадий фильм.
23.15 «Ахборот» (рус тилида)
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Payshanba

17

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Жозияба». Мусикий дастур.
9.15 «Дунё эшиклари

очилар бизга».
9.35, 12.20 ТВ-метео.
9.40 «Футбол олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Талаб ва тақлиф».
10.15 Болалар экрани: «Ғаройиб бола». Бадий фильм.
11.40 «Инсон ва қонун».

12.05 «Асалари бўлган экан». Мультфильм.
12.25 «Баркамол авлод» спорт ўйинла-ри яқунларига доир.
12.45, 15.15, 17.15 ТВ-анонс.
12.50 «Ишқ сирли қўшиқдир». Мусикий композиция.
13.20 «Олам». Телеаль-манах.
13.55, 14.50 ТВ-клип.
14.10 «Бизим - ринг».
14.55 «Бизга аталган кун». Адабий курса-

тув.
15.20 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
15.40 Кундузги сеанс: «Дон Кихот фарзанд-лари». Бадий фильм.
16.55 «Бастакор илҳоми». Тележурнал.
17.20 «Қуёшда пишган нон». Мультфильм.
17.30 «Харита». Халқ-ро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Сиҳат -саломат-лик».
18.30 «Яхши ният».

Телелотерея.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Ёлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Миллий манфа-ат».
21.40 «Санъат - дўстликка қорлайди».

Мусикий дастур.
22.10 «Бугуннинг аёли».
22.50 «Саҳна ҳаёти».
23.20 «Ахборот».
23.55 Тунги сеанс: «Дерсу Узала».
Бадий фильм. 2-қисм.
1.05-1.10 Ватан тим-соллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод»

студияси: «Қувноқ учрашув».
9.50 Мультфильм.
10.05, 11.40, 13.40 Мусикий лаҳзалар.
10.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.35 Сийрат.
10.55 «Даллас». Телесериал.
11.50 «Хисор қўриқхо-наси». Телефильм.
12.05 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интерфутбол.
13.50 «Ҳақиқат

чегараси». Телесериал. 6-қисм. 14.15 «Ёшлар» телеканалда спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати. 14.50 «Усимликлар дунёси». Телефильм. 15.00 Сенинг вақтинг. 15.20 Спорт китъаси. 15.50 «Девона». Бадий фильм. 1-қисм (Хиндистон) 17.10 Кўрсатувлар дастури. 17.15 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати». 17.35 «Мульттомоша».	17.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 7-қисм. 18.15 Ёшлар куйлайди. 18.25 Табобат оламида. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 «Иқлим». 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари. 19.35 «Давр»-интервью. 19.50 Ёшлар овози. 20.10 Мусикий лаҳзалар. 20.15 Бегойим. 20.35, 21.25, 22.30 Ёшларлар. 20.40 «Чарли шампа-ни».	ни». Бадий фильм. 3-қисм. 21.30 «Умр дафтари: Мутал Бурҳонов». 3-қисм. 21.50 «Олтин мерос». 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари. 22.40 «Даллас». Телесериал. 23.25 «Давр». Ахборот дастури. 23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интер-футбол. 1.15-1.20 «Хайрли тун!».	«Тошкент» телеканал 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Тошкент ва тошкентликлар». 18.30, 21.00, 22.35, 00.10 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.55 «Эҳтиром ила». 19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 20.05, 21.25 «Табрик-лаймиз, кутлаймиз». 20.40, 22.15 «Экспресс» телегазетаси. 21.55 «Тўйларимиз - ҳақида ўйларимиз».	23.00 «Ёшлар худуди». 23.25 Оҳанглар ва ёшларлар. 23.30 ТТВда сериал: «Селеста». 00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!». «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ. 15.00 Кўрсатувлар тартиби. 15.05 «Мультчархпалак». 15.25 «Клип антракт».	15.30 «Вести». 16.00 «Морена Клара». Сериал. 16.50 «Болалар куйлаганда». 17.00 «Кун мавзуси». 17.15 «Кусто команда-сининг барча саёҳатлари». Сериал. 17.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 17.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида. 18.40 «Махфий ҳужжатлар». Сериал (X -	files) 19.25 «Аралаш» ҳажвий киножурнал. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.00 «Время». 20.50 «Бизнес-ревью». 20.55 «Кино сайёраси». 21.15 «Клип антракт». 21.30 Кинематограф. «Кит ови». Бадий фильм. 23.00 «Ахборот» (рус тилида) 23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»
---	--	--	--	---	--	---

JUMA 18

«Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Миниатюра- ранг тасвири», «Музей заллари бўйлаб». 9.25, 12.25 ТВ-метео. 9.30 Мумтоз наволар. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Инсон ва замин». 10.20 ТВ-1 кинотеатри: «Бошсиз чавандоз». Бадий фильм. 11.55 ТВ-клип. 12.05 «Аҳаб саодат эрур». Бадий - публицистик кўрсатув. 12.30 «Ўзгичанг намоён қил». Экранда - Наманган	вилотия. 12.55 «Муҳлис ёхуд қўшиқ изидан». 13.20 «Саҳна ҳаёти». 13.50, ТВ-анонс. 14.10 «Миллий манфаат». 14.45 Кундузги сеанс: «Бугдойзорлар оралаб». Бадий фильм. 16.00 «Нурли манзиллар». 16.15 «Цирк! Цирк!». 16.35 «Орзулар қанотида». 16.55 «Муҳофаза». 17.05 Экранда - телесериал. «Мерос». 18.10 «Мозий дурдоналари». 18.30 ТВ-клип. 18.35 «Омад қувончи». Телелотерея. 19.05 «Имконият». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшларлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртакла-	ри. 20.15 «Тиббиёт одимлари». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этиқод мустақамлиги йўлида». 21.30 «Ўзбекистон бастакорлари». Мутал Бурҳонов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган кеча. 22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Академия». 23.15 ТВ-клуб. 23.35 «Ахборот». 00.10 «Олам». Телеальманах. 00.45-00.50 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати». 9.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 9.50, 12.30, 14.15, 16.40 Мусикий лаҳзалар.	10.05 «Давр»-интервью. 10.20 Минг бир маслаҳат. 10.40 «Даллас». Теле-сериал. 11.25 Ёшлар овози. 11.45 «Чарли шампа-ни». Бадий фильм. 3-қисм. 12.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интер-футбол. 14.25 Бегойим. 14.45 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 7-қисм. 15.10 Ёшлик наволари. 15.25 «Девона». Бадий фильм. 2-қисм. 16.50 Ҳуқуқ ва бурч. 17.20 Кўрсатувлар дастури. 17.25 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит». 17.45 «Мульттомоша». 18.00 Ёшлар куйлайди. 18.15 Солиқ ҳақида сабоқлар. 18.30 Халқаро музей-лар кунига «Қалб садолари». Теле-фильм. 18.45 «Оқшом наволари». 18.55, 21.55 «Иқлим». 19.00 «Давр». Ахборот дастури.	19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари. 19.35 Мусикий лаҳзалар. 19.40 Аср қиёфаси. 20.00 Ёшлик қўшиқлари. 20.10 Бутунжаҳон тамакига қарши кураш кўни олдидан. «Саломат бўлинг». 20.30, 21.25, 22.30 Ёшларлар. 20.35 «Чарли шампа-ни». Бадий фильм. 4-қисм. 21.30 Аскар мактублари. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари. 22.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 23.40 «Давр». Ахборот дастури. 23.55-0.05 «Мунаввар тонг истаб». «Тошкент» телеканал 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Огоҳ». 18.30, 21.00, 22.55,	00.05 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.55 «Эҳтиром ила». 19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 20.05, 21.25 «Табрик-лаймиз, кутлаймиз». 20.40, 22.35 «Экспресс» телегазетаси. 21.55 «Мисли гавҳар». 22.10 2001-йил - Оналар ва болалар йили. «Биз ва болалар». 23.20 Оҳанглар ва ёшларлар. 23.25 ТТВда сериал: «Селеста». 00.30 Кинонигоҳ. «Фарзандларим қаерда?». 2.00-2.05 «Хайрли тун, шаҳрим!». «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 14.00.-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ. 15.00 Кўрсатувлар тартиби. 15.05 FCN Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида) 15.15 «Мультчархпалак».	лак». 15.30 «Вести». 16.00 «Морена Клара». Сериал. 16.50 «Болалар куйлаганда». 17.05 «Канн фестивалининг кундалиги». 17.15 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда. 17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 18.00 «Кутқарувчилар. Тезкор чакирув». 18.30 «Ажойиб воқеалар». 18.40 «Мўъжизалар майдони». 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.00 «Время». 20.55 «Бизнес-ревью». 21.05 «Дурдаршан». 21.25 «Клип антракт». 21.40 Кинематограф. «Жуманжи». Бадий фильм. 23.15 «Ахборот» (рус тилида) 23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»
---	--	--	--	---	---	--

SHANBA 19

«Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 Газеталар шарҳи. 8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах. 9.15, 12.10 ТВ-метео. 9.20 «Хидоят сари». 9.40 «Яшил водий сари». Мультфильм. 10.40 «Телевизион миниатюралар театри». «Тирик сайёра» кинодастури: 11.15 «Ноилоҳ сайёдлар - 4». Ҳужжатли фильм. 12.15 «Қўҳна замин оҳанглари». 12.30 ТВ-анонс. 12.40 Болалар учун. «Жажжи гўзал». 13.00 ТВ 1 кинотеатри: «Дўсту душман». Бадий фильм. 1-қисм.	14.15 «Дўстлик» видеоканал. 1. «Меҳрангез». 2. «Жетиген». 14.35 «Дўсту душман». Бадий фильм. 2-қисм. 15.50 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Навбахор» - «Самарқанд - Динамо», «Насаф» - «Нефтчи». 17.20 «Мўъжизалар майдончаси». Теле-ўйин. 18.10 «Спорт шанбадан шанбагача». 18.40 «Ранглар жилоси». 18.50 «Бадий кенгашдан сўнг». 19.10 «Қишлоқ ҳаёти». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшларлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртакла-ри. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)	20.30 «Ахборот». 21.05 «Қизлар давраси». 22.35 «Шанба оқшомида». Бадий-мусикий дам олиш дастури. 23.20 «Ахборот». «Тунги ёғду. Дам олиш дастури: 23.55 «Аланга». Бадий фильм. 1.35-1.40 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит». 9.20 «Мульттомоша». 9.35 Табобат оламида. 9.55 Мусикий лаҳзалар. 10.05 Аср қиёфаси. 10.25 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 11.25 «Абдурашид Саидов куйлайди». Мусикий фильм. 11.50 ТВ-саёҳат. 12.15 «Рамаяна». Телесериал. 12.50 Муҳаббат қўшиқлари.	13.10 «Чарли шампа-ни». Бадий фильм. 4-қисм. 14.00 Сиз соғинган қўшиқлар. 14.20 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Барҳаёт Навоий». 1 - кўрсатув. 14.40 Олтин мерос. 14.45 Синфдош. 15.15 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис. 15.55 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Барҳаёт Навоий». 2 - кўрсатув. 16.15 «Қўҳна оҳанглар». Абдуҳошим Исмоилов. 16.25 Кўрсатувлар дастури. 16.30 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар». 16.50 «Мульттомоша». 17.05 «Бола тилидан». 17.35 Саломатлик сирлари. 17.55 Ёшлар куйлайди. 18.05 «Футбол плюс...». 18.25 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури.	дастури. 19.30 ТВ-анонс. 19.35 Каталог. 19.45 Мусикий лаҳзалар. 19.55 Ёшлар овози. 20.15 Хайрат. 20.35, 21.15, 23.00 Ёшларлар. 20.40 «Рамаяна». Телесериал. 21.20 2001-Оналар ва болалар йили «Она билан бола-гул билан лола». Мусикий дастур. 21.30 Кутилмаган меҳмон. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Тунги тароналар. 22.40 Кинотақдим. 23.05 «Бокиралик асри». Бадий фильм. 1-қисм. 0.10 Дирижабл. 0.30-0.35 «Хайрли тун!». «Тошкент» телеканал 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Саломатлик маскани». 18.30 ТТВда сериал:	«Луиза Фернанда». 19.15 «Эҳтиром ила». 19.45, 20.50, 21.40 «Экспресс» телегазетаси. 20.05 «Интер-спорт». 20.20, 21.10 «Табрик-лаймиз, кутлаймиз». 22.00 «Авто-news». 22.15 «Кусто команда-сининг сувоисти саргузаштлари». 23.05 «Файзли оқшом». Дам олиш дастури. 23.45 Оҳанглар ва ёшларлар. 23.50 Кинонигоҳ. «Диско раққоси». 1.40-1.45 «Хайрли тун, шаҳрим!». «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Клип-антракт». 9.10 «Смак». 9.30 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси». 10.10 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув. 10.35 « 7 дан 70 гача». 11.05 «CFI янгиликлари».	11.15 «Экран зийнати ва қиймати». 11.40 Кундузги сеанс: «Доктор». Бадий фильм. 13.35-14.25 Дўстлик видеоканал: «Умид», «Сахий хонадонда», «Машриқ оҳанглари». 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Бинафша». 17.25 «Интернет худуди». 17.40 «Мюзик-холл». 18.05 Буюк изқувар. Коломбо ва бошқалар. 20.00 «Время». 20.40 «Бизнес-ревью». 20.45 «Кўнгил-кўнгилга пайванд». Ток-шоу. 21.25 CFI тақдим этади: «Париж метрополитени». 22.15 Кинематограф. «Уч мушкетёр ва малика тақинчоғи». Бадий фильм. 24.00 «Ахборот» (рус тилида) 00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»
---	--	--	---	---	---	--

Yakshanba 20

«Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.05 «Умроқий қўшиқлар». Мусикий дастур. 9.25, 11.25 ТВ-метео. 9.30 «Ғаройибот». 9.45 «Бир том остида». Мультфильм. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!». 11.00 «Шохрух» клуби. 11.30 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Фарзандим - дилбандим». 11.50 Кундузги сеанс. «Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари». Бадий фильм. 13.20 «Мўъжизалар майдончаси». Телеўйин.	14.10 Киноанонс. 14.20 М. Турғунбоева хотирасига бағишланган ёш раққослар Республика кўрик - танлови. 15.00 Мустақиллик тимсоли. Ўзбекистон театрларининг фестивали. 3. Нажмий «Занжирбанд шер». А. Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театрининг спектакли. 1-қисм 15.50 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 16.15 3. Нажмий «Занжирбанд шер». А. Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театрининг спектакли. 2-қисм. 17.05 «Тухфа». Мусикий дастур. 17.30 Киноанонс. 17.35 «Бўстон». Теле-журнал. 17.55 ТВ-клип. 18.00 Ойнаи жаҳон тақдими. «Қиролликдаги саргузашт-	лар». Мультфильм премьераси. 18.25 «Олтин тож». Телевизион ўйин. 18.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 19.05 «Тўртинчи ҳокимият». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёшларлар 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 «Оламга саёҳат». 20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Бадий-мусикий дам олиш дастури. 21.50 «Футбол олами». 22.20 ТВ-1 намойиш этади. «Якшанба кинозали»: 22.35 Кино янгиликлари. 22.50 Кевин Костнер ва Уитни Хьюстон «Хос соқчи» фильмида. 00.50-00.55 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».	9.20 «Футбол плюс». 9.40 Ёшлар овози. 10.00 Мусикий лаҳзалар. 10.10 Болалар экрани. «Бэмбининг ёшлиги». 11.15 Юлдуз Абдуллаев. «Мен сизни соғиндим». 11.55 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Марду майдон», 2. «Аскар мактублари». 12.35 «Очил дастурхон». 12.50 «Рамаяна». Телесериал. 13.25 Қишлоқдаги тенгдошим. 13.45 «Аршин малолан». Бадий фильм. 15.05 Хайрат. 15.25 «Эҳтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал. 15.50 Спорт ҳафтано-маси. 16.05 Жаҳон жуғрофияси: «Африка одиссеяси». 16.50 Кўрсатувлар дастури. 16.55 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».	17.15 «Мульттомоша». 17.30 «Қўҳна оҳанглар». Алишер Навоий газалларига басталанган қўшиқлар. 17.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 18.30 Якшанбада кўришгунча. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 «Иқлим». 19.00 «Давр» ҳафта ичида. 19.40 «Бу мунис лаҳзалар». 20.00, 20.40, 22.25 Ёшларлар 20.05 «Рамаяна». Телесериал. 20.45 «Синфдош». 21.10 «Ниҳол» мукдор-тининг совриндорлари куйлайди. 21.25 «Ҳандалак». Ҳажвий тележурнал. 21.45 Олтин мерос. 22.00 «Давр»-news. 22.15 Тунги тароналар. 22.30 «Бокиралик асри». Бадий фильм. 2-қисм. 23.40-23.45 «Хайрли тун!». «Тошкент» телеканал 18.00 Кўрсатувлар тартиби.	18.05 Болалар учун. «Куралай». 18.20 ТТВ да сериал. «Луиза Фернанда». 19.05 «Спорт-тайм». 19.25, 20.15, 21.55 «Экспресс» телегазетаси. 19.45 «Эҳтиром ила». 20.35, 22.15 «Табрик-лаймиз, кутлаймиз». 21.05 «Кусто команда-сининг сувоисти саргузаштлари». Сериал. 22.45 «3х5». 23.25 Оҳанглар ва ёшларлар. 23.30 Кинонигоҳ. «Янги шеригим». 1.00-1.05 «Хайрли тун, шаҳрим!». «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Клип-антракт». 9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 9.30 «Хамма уйдалигида». 10.10 «Кайфият» дам олиш дастури. 11.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз	тилида) 11.20 «Парле ву франсэ?». 11.45 «Фан-тайм». 11.55 «Эртақларнинг сеҳрли олами». 13.35 «Дўстлик» видеоканал: «Айчурек», «Дидар». 14.10-14.40 «Немис тили». 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «До-ми-соль». Болалар шоу дастури. 17.40 Е. Шифрин иштирокидаги концерт дастури. 19.30 «Бизнес-ревью». 19.40 «Чайф» гуруҳи иштирокидаги концерт дастури. 20.40 «Тенгдошлар». 21.05 «Канн фестивалининг кундалиги». 21.15 Кинематограф. «Уч мушкетёр ва Миледи интиқоми». Бадий фильм. 22.45 «Тахлилнома». 23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--	---	---	--	--	---	--

БОҶИЙЛИКНИНГ ЯНА БИР НИШОНАСИ

мухтарам Президентимиздан чексиз миннатдоримиз.

Қадимдан қолган бир ривоят бор, уни эсламоқ айни шу паллада жоиздир. Истилочи қабила бошлиғи, ўз юрти озодлиги учун кураш олиб борган, кўпгина элатларни бирлаштирган, лекин махв бўлган қабила саркардасининг номига қора чапламоқчи бўлибди. «Уни унутинг, у душман», деб эълон қилибди. Лекин, ўша марднинг қабиладолари ҳар лаҳза ёд этавери билдилар. «Нега бундай қиляпсизлар?», деган саволга улар: «У душман бўлса, сизларга душмандир. Лекин бизнинг фарзандимиз, бизнинг озод яшашимиз учун фидо бўлган», дебдилар. Ҳикоядан ҳисса шундоқ: бир ярим аср мобайнида «оҳ юртим», «нурафшон ўлкам» деб музликларда, гиёҳ битмас саҳроларда лашлари қолган фидойиларимизнинг руҳи поклари ором топадиган фурсат келди. Мухтарам Президентимизнинг «Қатагон қурбонларини ёд этиш тўғрисида»ги Фармони шахидларга ана шундай буюк неъматни ато этди. Энди ҳар йили 31 август куни қатагон қурбонларини ёд этиш маросими бўлиб ўтади.

– Отамнинг, – дейди саксон ёшли ҳамқишлоғим Ортиқ ака Жавлонов, – қабри қаердалигини ҳали ҳам билмаймиз. Бечора кирга сув чиқариб, буғдой етиштириб уйига олиб келган экан. Сен халқ мулкини ўғирладинг, деб халқ душманига чиқаришган ва буғдойнинг бир қисмини ҳам қолдирмай олиб кетишган экан. Бугун отамнинг

(Давоми.
Боши 1-бетда).

руҳи авлодларидан миннатдор. Бугун отамнинг қабри қаердалигини биламан: «Шахидлар хотираси» деган улкан саждагоҳда. Бу масканнинг ҳар қаричини ўпиб, кўзга сурайлик. Чунки, Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари, йўл-йўриқлари билан бунёд этилган зиёратгоҳ мангу уйғоқ руҳлар масканига айланган.

Назаримда истиклолимизнинг олис йўлларида қолган мардларнинг нидолари янграётганга ўхшайди. Улар Дукчи Эшон, Пўлатхон кўзғалонининг, Жиззах исёнининг иштирокчиларининг, «Туркистон мухторияти», «Миллий истиқлол» ҳаракати аъзоларининг, ўз эркини ҳимоя қилгани учун «босмачи» деб ном олган ватандошларимизнинг, 30-йиллардаги сўнгсиз қатагонлар қурбонларининг, яқин-яқинда ҳам вужудимизга ларза солган, «Пахта иши» домига тушганларнинг нидолари. Бугун уларнинг беҳаловат жонларига малҳам бўладиган:

– Сизлар орзу қилган, сизлар шу йўлда қон тўккан, жон олиб жон берган истиқлол бизга насиб этди. Биз юртимизнинг табаррук бир гўшасини сизнинг номингиз ила боғладик. Энди сиздек фидойи инсонларга абадий ором, абадий таъзим ёр бўлади. Бу мустақиллигимизнинг шарофатидандир.

Ҳар йилги истиқлол тантаналари фидойиларнинг ёди билан бошланади. Улар бизга ҳар ишда ҳамкор, ҳамқадам, мададкор бўладилар. Президентимизнинг ушбу Фармони элим деб, юртим деб яшаган жонфидоларнинг умри ҳамиша боқий бўлишидан яна бир нишонадир.

Темур УБАЙДУЛЛО.

Паркент не-не тўю тантаналарни кўрмаган, дейсиз. Ана шундай издиҳомларда мана-ман деган, елкаси ер искамган полвонлар бел боғлаб, хизмат қилишган, эл-юрт дуосини, олқишини олишган. Гултўра полвон, Орифбой полвон, Асқар полвон, Ҳамлет полвон, Хўжааҳмад, Рисквой, Миртолип, Адаш бува... Бу полвонларнинг номларини, уларнинг қилган ишларини, тантаналарда олган анвойи совринларини санаб саноғига, айтиб адоғига етиб бўлмайди. Бугунги кунда Паркент полвонларининг зурриёдлари – уларнинг фарзандлари, неваралари нафақат туманда, вилоятда, республика-мизда, ҳатто, хориж мамлакатларида ўтаётган мусобақаларнинг совриндори бўлаётганликлари, мана-ман деган полвонларни доғда қолдираётганликлари ҳам рост.

Ўзбек миллий кураши бўйича Тошкент вилояти ҳокимининг кубоги учун кураш майдонидаги беллашув онлари бошланишига санокли дақиқалар қолди. Тадбирга Тошкент, Андижон, Фарғона, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридан халқаро ва республика тоифасидаги курашчилар етиб келишди. Бири-бирдан қолишмайдиган, бири-бирдан паҳлавон курашчилар саф тортишди. Курашхона бўйлаб, Ўзбекистон мадҳияси янгради...

Тадбирда вилоят ҳокими Умат Мирзакулов иштирок этди ва мусобақа иштирокчиларини ҳокимлик номидан қутлади,



уларга мусобақаларда муваффақиятлар тилади.

Шундан сўнг сўз олган Паркент тумани ҳокими Мирзамашраб Кўччиев шундай деди:

– Хотира ва Қадрлаш байрами кунда уруш ва меҳнат фахрийларини, мусобақага ташриф буюрган меҳмонларимизни, мусобақа иштирокчиларини, қолаверса, барча-барчангизни кут-

(Давоми.
Боши 1-бетда).

ЮРТ ПОЛВОНЛАРИ БЕЛЛАШГАНДА

лайман. Ўзбекларда байрам байрамга уланаверсин, деган нақл бор. Ана шу ниятнинг ижобати бўлиб, бугунги спорт мусобақалари ҳам ўз қанотида яхши орзу ва ниятлар муждасини Паркент диёрига олиб келди. Ташрифингиз қалбимизни гурур ва қувончга тўлдириб юборди. Ота-боболаримиз асраб ардоқлаган ўзбек миллий кураши мусобақалари ишти-

ди. Миллий курашимизнинг ажойиб ва қайтарилмас ҳислатларидан бири шуки, унинг берадиган завқу шавқи, қутилмаган ҳолатлари, кўнгилни жумбушга келтирадиган қувончларини на таърифлаб, на тасвирлаб бўлади. Бундай мусобақаларни фақат кўз билан кўриб, қалб билан англаш жоиз.



Вилоят ҳокими кубоги мусобақаларининг саралаш ҳамда финал беллашувларида паркентлик уч ака-ука Маҳаматовлар, Дилмурод Рўзиев, Зафар Қурбонхўжаев, пскентлик Олимбек Болтабоев, Шерзод Мирзаев, андижонлик Шўхрат Исоқов, Шавкат Омонуллаевларнинг ҳар бири ўз тоифасидаги рақибларининг елкасини ерга теккизиб, кўплаб мусобақа ҳомийларининг қимматбаҳо совғалари ва пул мукофотларига сазовор бўлдилар.

Пскентлик Олимбек Болтабоев ва андижонлик Шўхрат Исоқовлар вилоят ҳокими кубоғига сазовор бўлиб, Паркент кураш мусобақасининг мутлақ ғолиблари деб тан олиндилар.

Шавкат ҚУЛИБОВЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: Паркентда ўтказилган ўзбек миллий кураши мусобақаларидан лавҳалар.

Аида САИТОВА олган
суратлар.

ФЕРУЗАНИНГ ОРЗУЛАРИ

Мамлакатимизда ўтказилиб келинаётган Мукаррама Турғунбоева номидаги республика ёш раққосалар танлови бу йил Наманганда бўлиб ўтди. Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси Наманган вилоят ҳокимлиги билан биргаликда ўтказган бу тадбир ЮНЕСКО қарари билан ўтказилаётган жаҳон Рақс кунининг давоми тарзида нишонланди.

Алишер Навоий номидаги вилоят мусикали драма театрида бўлиб ўтган танловнинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан иккинчи босқичи ғолиблари бўлган ўн уч нафар ёш раққоса қатнашди. Улар устоз санъаткорлар саҳналаштирган ёки ижро қилган рақсларни намоиш қилишди. Раққосаларнинг чиқишини

«Ўзбекрақс» бирлашмаси Бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исмамова бошчилигидаги нуфузли ҳакамлар ҳайъати – миллий рақс санъати билимдонлари ва мутахассислари баҳолаб борди.

Қатнашчилар биринчи шарт бўйича устоз санъаткор, ўзбек миллий рақсини жаҳонга танитган машҳур раққоса Мукаррама

Турғун-
б о е в а
сахна-
лаштир-
ган

«Тановар», «Муножот», «Кўнгил таронаси», «Фарғона рубоиси», «Пилла» каби рақсларни, иккинчи шарт бўйича эса, ўзлари танлаб тайёрлаган рақсларни ижро этишди.

Ният, оризқили кутилган дамлар ҳам етиб келди. Ҳакам-



Гулгунчалар

лар ҳайъати ёш раққосаларнинг маҳорати ва танлаган либосларини муносиб баҳоладилар. Республика ёш раққосалар танловининг бош соврини Тошкент шаҳридаги «Тановар» рақс театри раққосаси Наргиза Қаршибоевага берилди. Ташкилий кўмита қарори билан танловда етти ном бўйича махсус дипломлар ҳам таъсис этилган эди. Шулардан бири Тошкент вилоятидан Феруза Аҳмедовага насиб этди. У танловнинг «Энг ёш иштирокчиси» дипломига сазовор бўлди. Ферузахон Паркент туманидаги 27-мактабнинг тўққизинчи синфида ўқийди. У қувноқ кўшиқлари, жозибали рақслари билан мактаб-

да ўтказиладиган турли тадбирларда фаол қатнаша бошлади. Ўн олти баҳорни қаршилаган рақс шайдоси 1996 йилдан бошлаб туманда ўтказиладиган «Санъат байрами» кўрик-танловларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Икки

йил мукаддам ўз мактабида бошланғич синф қизларидан «Митти юлдузчалар» рақс дастасини тузиб, унга раҳбарлик ҳам қилиб келмоқда. Айни пайтда у Паркентдаги 29-муסיқа мактабининг дутор бўлимида таҳсил олмоқда. Икки йилдирки, туман марказий маданият уйи қошидаги «Паркент гуллари» ашула ва рақс халқ ансамблида яққохон раққоса.

– Мақсадим эл ардоғидаги санъаткор бўлиш, – дейди Ф.Аҳмедова. – Лекин мен танловдан шундай хулосага келдимки, мақсадга эришмоқ учун орзунинг ўзи етарли эмас. Тинмай ижод қилиш, изланишда бўлиш, янгилик сари интилиш, асосийси яхши устоз этагини тутиш лозим экан. Юлдуз Исмамова, Қизлархон Дўстмухамедова, Дилафруз Жабборовва каби таниқли раққосаларни устозим деб биламан. Улар ўйнаган, саҳналаштирган рақсларни севиб ижро этаман. Ниятим – ўшалар каби санъаткор бўлишдир.

Бахтиёр МАНСУРОВ.

СУРАТДА: республика ёш раққосалар танловининг энг ёш иштирокчиси Ферузахон Аҳмедова.

54 ЙИЛДАН КЕЙИН ЧАЛИНГАН «ХАЙДАЛИШ» КУЙИ

Шу кеча кундузда Америка Қўшма Штатлари президенти Жорж Бушнинг тутган йўли жуда кўпчиликни оёққа турғазмоқда. Айниқса, АҚШ эллик тўрт йил мобайнида аъзо бўлиб келган БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияга киритилмай қолгани талай давлатларнинг кўнглидаги иш бўлди.

Хатто АҚШга дўст бўлган мамлакатлар ҳам Буш маъмуриятига ўз норозилиklarини билдириб турган пайтларида, бу иш пўлатга сув бергандек бўлади.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси 1947 йилда таъсис этилган бўлиб, АҚШ шундан бери унда узлуксиз иштирок этиб келар эди. Бу йилги яширин овоз бериш жараёнида кўпчилик унинг номзодига эътироз билдирди.

Давлат котиби Колин Пауэлл юз берган ҳодисани шарҳлаб шундай деди: «Ушбу ҳолатни, яъни АҚШга бўлган муносабатни мен шундай изоҳлаган бўлардим: бундан бир неча ҳафта илгари Вашингтон Хитой ва Кубада инсон ҳуқуқлари борасидаги ўзбошимчаликларни қаттиқ қоралаган эди. Барчаси шунинг оқибатидир. Ўзгалар эса буни БМТдаги АҚШ доимий вакилининг тўрт ой мобайнида кўринмагани билан изоҳладилар. Давлат департаментининг матбуот вакили Ричард Баучер эса, сайловолди компаниясига қаттиқ ишонганимиз туфайли доғда қолдик, демоқда. Унинг таъкидлашича, қўллашга ваъда берган 40та мамлакатдан 29таси ўз сўзида турган. Шунинг учун ҳам Фарб мамлакатларига ажратилган уч ўрин Австрия, Франция ва Швейцарияга насиб этган.

Жаҳондаги кўплаб шарҳловчилар ўз нуқтаи назарларини баён қилмоқдалар. «Хетирж фаунлейшн» газетаси «Агар

АҚШ хитойликларни бартараф этганида ҳам ҳеч нарсага эришолмаган бўларди» деб ёзади. «Вашингтон таймс» эса, ҳамма балонинг боши 1972 йилдаги шартноманинг бузилиши, раке-

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar

тага қарши янги муодофаа тизимига эътибор қаратилишида эканлигини тан олди. Албатта, АҚШ тарафини олганлар ҳам жуда кўп бўлди. Улар қарши овоз берган мамлакатларга ёрдам кўрсатишни тўхтатиш ҳақида ҳам гапирмоқдалар.

Лекин «бўлар иш бўлди, бўёги сингди». Яширин овоз беришда барча ўз нуқтаи назарини очиқ айта олади. Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия АҚШсиз ишлаб нималарга эришади – буни келажак кўрсатади. Ҳар ҳолда «Жўжани кузда санаймиз».

ИШЛАРИ

КЕЧ КЕЛГАН МУҲАББАТ

Шу кунгача ўзининг антиқа романлари, ундан ҳам антиқа турфа қилиқлари билан ҳамманинг эътиборига тушган ёзувчи аёл Рената Литвинова: «Мен учун ҳаётнинг мазмуни, моҳияти мана энди очилди», деяётган эмиш. Сабаби уни муҳаббат ўз исканжасига олибди. Шу муносабат билан у ўзининг эски кийимларини ташлаб юбормасдан, тозалаб, муҳтожларга улашибди. Мутлақо майичмай қўйибди. Аксинча, ҳарорати баландроқ, ранги тиниқ ичимликка иштиёқ билдирибди.

Очикроқ айтсак, ароқ ича бошлабди. «Бу қилиғингиз кўпчиликка ёқадими?» – деб сўрашганда, «Бировга ёқадими йўқми, менинг ишим эмас. Лекин, муҳаббат оғушидаман, шунинг ўзи бас» дебди. Қандай муҳаббат оғушида – бу сирлигича қолмоқда.

ПИЁДА ЮРМАНГ, АЪЛО ҲАЗРАТЛАРИ

Германиянинг БМВ компанияси папа Иоанн Павел I га янги автомобиль ва учта мотоцикл совға қилди. Қоп-қора зулқудек машина ва оқ, сариққа бўялган мотоцикллар папа ҳазратларига жуда манзур бўлди. Аслини олганда, бу янгилик эмас. Ватиканда автомобиль 1909 йилда пайдо бўлди. Лекин, рухонийлар машинада юришни анча кеч бошладилар. Фақатгина папа Пий XII армонсиз тўрт филдиракда юрди. У «Бьяки», «Фиат», «Грен Пейжа», «Ситроен» ва «Мерседес»ларнинг ҳузурини кўрди. Павел VI ва Павел II усти очиқ «Лент Крузер» жипини хуш кўришарди. Папага суиқасд қилинганидан кейин, у ҳам ўқ ўтмайдиған автомобилларда юрадиган бўлди.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

- Европа Иттифоқи ветеринария кўмитаси Буюк Британияда оқсил касаллиги тарқалгани муносабати билан ушбу мамлакатга нисбатан жорий қилинган тақиқни 19 июнга қадар узайтиришга қарор қилди.
- Россия президенти Владимир Путин Европа Иттифоқининг амалдаги раиси, Швеция Бош вазирини Йоран Перссон билан телефон орқали суҳбатлашди. Томонлар, асосан, 17 майда ўтказилиши режалаштирилган Россия-Европа Иттифоқи саммитига тайёргарлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилган.
- Уганда ҳукумати Конго Демократик Республикаси (ҚДР) шимолидаги ҳарбий қўшинларини зудлик билан олиб чиқишини маълум қилди. Мамлакат ташқи ишлар вазирини Эрий Категайнинг айтишича, мамлакат чегаралари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҚДРнинг Уганда билан чегара ҳудудидида оз сонли қўшин сақлаб қолинади.
- Марказий Американинг бир неча мамлакатидида яна зилзила юз берди. Салвадордаги зилзиланинг кучи қарийб олти баллга етди. Бу аҳоли орасида катта саросима уйғотди.

БУРЕ НЕГА

ГЕРМАНИЯГА БОРМАДИ?

Миллий хоккей лигасининг таниқли мергани, хоккей устаси Павел Буре тўсатдан Германияга бормаидиган бўлиб қолди. «Флорида» командасининг ҳужумчиси дастлаб Россия терма жамоасининг таркибидида ўйнашга ваъда берди. Сал кейинроқ эса олган жароҳатларини рўқач қилиб, рад этди. Асл сабаб нима эди? «Рус ракетаси» деб ном олган Павелда жароҳат деганингиз жуда сероб. Тиззасининг кўзи лат еб, бир неча ой муз бетини кўрмади. Елкаси оғришидан ҳам қаттиқ азоб чекди. Хайриятки у тузалиб кетди. Аслини олганда, Павел ўтган йилларда икки мартагина терма жамоа таркибидида майдонга тушди. Бир гал Нагано олимпиадасида, иккинчи гал Петербургда, жаҳон чемпионатида. Албатта, иккала ҳолатда ҳам ўзининг ватани Россия учун «жанг» қилди. Лекин Германияга Буре «ўламан саттор, бормаيمان», деб туриб олди. Сабаби муздан тўйган эмиш.

Ажаб савдолар

МАЙДОНДА ЯНА АЛИ ВА ФРЭЗЕР

Бокс ишқибозларининг оғзи қулоғида: «Нима дейсан 15 июнда Али ва Фрэзернинг қизлари рингга чиқармиш. Лайло Али отасининг ўчини олиб, Жесика Фрэзернинг таъзирини берармиш».

Али номининг ўзиёқ барча чарм қўлқоп ихлосмандларини жунбушга келтириб бўлди. Икки машҳур боксчининг қизлари оталарининг номларини шарафларга чулғаш ниятида чарм қўлқоп кийганлар. Ишбилармонларни эса, икки гўзал аёлнинг бир-бирини дўппослашидан келадиган мўмай пул қизиқтиради, холос. Албатта, спорт билан шуғулланиш жуда ҳам фойдали. Лекин не-не муҳаббатларнинг сабабкори бўлган аёл мушт кўтариб турса, анчайин эриш туюлади кишига. Начора, икки машҳур боксчининг ўғиллари бўлмагандан кейин, қизлар майдонга чиқадида. Ота Али билан Жо Фрэзер бундан ўттиз йил олдин учрашган, ўшанда Фрэзер Муҳаммад Алини енгган эди. Орадан ўттиз йил ўтиб, нима бўларкин, Жесика мағлуб бўлармикин ёки Лайло

Сирлар хазинаси

ФОТИХНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

Дастлаб дунёдаги жуда кўп халқлар ўртасида машҳур бўлиб кетган бир афсонага қулоқ беринг.

Куз кунларининг бирида Чингизхон вафот этибди. У ўлимидан олдин фарзандларига ўзининг жасадини Бурхан Хадун тоғларида дафн этишни васият қилибди. Танғутларни энгиб, шодиёнада ўтирган ўғиллар бу шум хабардан ўзларини йўқотибди. Ўғадой, Чигатой ва Тулуйхонлар ота васиятини

Япон олимлари эса, ер йўлдошлари ёрдамида олинган суратларга, шунингдек, ўта сезгир электрон қурилмаларга суяниб, фикр юритмоқдалар. Улар шу қабрда ё Чингизхон ёки унинг ўн уч ворисидан бири бўлишигига умид боғламоқдалар.

Тарихдан маълумки, Чингизхон ўз авлодларидан, меросхўрларидан қаттиқ сир сақланиб, дафн этилган. У Сарик дарё – Хуанхенинг соҳилларига яқин жойда, ҳозирги Хитой ҳудудида вафот этган. Фотиҳнинг аскарлари мотам жараёнига гувоҳ бўлган ҳар қандай жонзотни ўлдириб ташлаганлар. Марка Поло бошқа чингизий – Мангучоннинг дафн маросимини батафсил ҳикоя қилар экан, шу кун 20 минг киши жонидан айрилганини таъкидлайди. Уларнинг айби ушбу маросимни тасодифан кўриб қолгани экан. Мангучон тириклигида унга хизмат қилган жониворлар ва қўллар ҳам биргаликда кўмилган. Афсоналарда айтилишича, қабрда ҳатто беҳисоб олтин ва қумушлар ҳам бор экан. Бу бир чингизий хон учун қилинган қурбонлик. Чингизхоннинг ўзини дафн этиш тадоригини тасаввур қилиш қийин эмас.

Экспедицияга аъзо бўлган олимлар Хэтэй аймағида яшовчи йигирмага яқин кексалар билан суҳбатлашдилар. 88 ёшга кирган отахон болалигида эшитганларини айтиб берди: «Бир турк саркардаси Қооннинг жасадини ватанига олиб келади. У тўрт ердан тўртта қабр қазийди. Чингизхон жасади қўйилган қабрга эса пойлоқчи қўйиб, уч ой бу ерда минг йилқини боқтиради. Шундан кейин қабрни ким топса унга мукофот берилишини эълон қилади. Қабрни ҳеч ким тополмайди. Тоғ атрофидаги чамаси 240 квадрат километрни ташкил этган ҳудудга ҳеч ким кирмасин деб табу эълон қилинади. Кирган кишини эса муқаррар ажал кутган. Дархон деб номланган авлод кишиларига эса бу ерларни қўриқлаш топширилган. Улар бу ерда 700 йил – то XIX асрнинг биринчи ярмигача, мажбуран кўчирилиб юборилгунларига қадар яшаганлар. Худуд хувилаб, бора-бора саҳрога айланган.

Вақти билан сирли тоғ унутилиб кетди. 1990 йилларнинг бошида япон рўзномаси «Иомури» экспедицияси тузилса, уни маблағ билан таъминлашни ваъда қилди. Шу тариқа мўғул-япон қўшма гуруҳи иш бошлайди. Маҳаллий аҳолининг кўпчилиги қабрининг очилишига қаршилиқ кўрсатмоқда. Улар Чингизхоннинг сирли сирлигича қолсин, деб талаб этмоқдалар. Экспедиция раҳбари профессор Бадан Хатан эса: «Бизнинг ҳаммамиз бир фикрдамиз, мўғул халқи рози бўлмаса, қабрни очиш керак эмас. Уни асраб қолмоқчимиз» демоқда. Кўплар қабрининг топилиши – Чингизхоннинг қабри Хитойда қолган, унинг ўзи ҳам мўғул эмас хитойлик деган асрий баҳсга нуқта қўяди, деб ҳисоблашмоқда. Лекин, ҳали қабр ҳақида жўяли бир гап айтилганича йўқ.

Темир йўлдошев.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

МАЙДОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан жойларда «Оналар ва болалар йили»га бағишлаб аёллар спартакиадаси бўлиб ўтмоқда.

Оҳангаронда деярли бир ҳафта давом этган бу тадбирда хотин-қизлардан иборат олтига жамоа қатнашди.

Бу баҳсда биринчи ўрин шаҳар халқ таълими бўлими жамоасига насиб этди. «Оҳангарондон», «Оҳангаронцемент» акциядорлик жамиятлари жамолари иккинчи ва учинчи ўринни олдилар. Спартакиадада жами 150 нафардан ортиқ аёллар қатнашди. Шаҳар ҳокимлиги голибларни ва барча иштирокчиларни фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари билан тақдирлади.

Худди шундай тадбир Окқўрғон туманида ҳам бўлиб ўтди. Унда спорт-

нинг волейбол, стол тенниси, шохмот, шашка турлари, шунингдек, «Барчиной» кўпкураши ҳамда оналар ва болалар мусобақалари бўйича баҳслашди.

Асосий турлар бўйича муваффақиятли иштирок этган Ҳ. Олимжон номли ширкат хўжалиги вакиллари спартакиада голиби бўлдилар. «Ўзбекистон» ва «Маданият» ширкат хўжаликлари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Голиблар вилоят спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

Муқаддас АЛИЕВА.

«ОХАНГАРОН-С»ГА НИМА БЎАДИ

Мамлакат ўнинчи миллий чемпионати биринчи табақасида 17 жамоа кичик олтин медал учун баҳс олиб бормоқда. Тошкент вилоятидан фақат биргина «Оҳангарон-С» жамоаси мусобақаларда иштирок этмоқда.

Шу кунгача 8 ўйин ўтказган оҳангаронликлар бир ғалаба, икки дуранг ва беш мағлубият билан 5 очко тўплаган ҳолда жадвалда ўн учинчи ўринни эгаллаб турибдилар.

Вакилларимиз 8-турда Кувада майдон эгаларига қарши тўп суриб, бир очкони қўлга киритдилар. Майдон эгалари танаффусгача иккита жавобсиз тўп киритган эдилар. Иккинчи бўлимнинг учинчи дақиқасида Юнусов, 68-дақиқада эса Зиёвуддинов жавоб тўплари киритиб, ҳисобни тенглаштирдилар. Бирок, 85-дақиқа-

да майдон эгалари яна ҳисобда олдинга чиқиб олдилар. Сўнгги, 90-дақиқада киритилган тўп вакилларимизни мағлубиятдан сақлаб қолди.

Саккиз турдан сўнг Қўқоннинг «Темирийўлчи» жамоаси 20 очко тўплаган ҳолда карвонбошилиқ қилмоқда. Муборакнинг «Машъал» жамоаси ҳисобида 16та очко бор. Навбатдаги тўққизинчи тур учрашувлари 16 май, чоршанба куни ўтказилади. «Оҳангарон-С» жамоаси ўз майдонида «Олтин тола» билан ўйнайди.

Талъат ЮСУПОВ.

8 — саҳифа меҳмони

ХАВАС билан ЯШАЙМИК

Вилоят санъат мухлислари пойтахтдан ҳузурларига меҳман бўлиб келадиган ижод аҳлини интиқлик билан кутади. Чунки улар билан жонли мулоқотнинг, юзма-юз дийдор кўришишнинг гашти ўзгача. Ўзинг ёқтирган санъаткорлар билан яқиндан танишиш эса кўнгил эҳтиёжидир. Биз сўз юритмоқчи бўлган актёр Боир Халмирозев Муқимий номли мусиқали театрда анча йиллардан бери ижод қилиб келади. Фаолияти давомида саҳнада, экранларда 60дан зиёд роллар ижро этди.

— Боиржон, артист бўлиш ёшлик орзуси эдимиз?

— Йўқ, мен артист бўламан деб сира ўйламагандим. Отам эса ўн фарзандидан лоақал биттаси санъаткор бўлишини жуда ҳоҳлагандилар. Ана шу «биттаси» мен бўлиб чиқдим. Фармонқўрғон қишлоғида оддий ишчи бўлган отам санъатнинг ашаддий мухлислари. У киши қалбимда уйғотган қизиқиш аста-секин орзуга айланди. Шукур Бурхонов, Ҳамза Умаров, Мурод Ражабовларни телеэкранда кўриб, ҳавас қилардим. Муҳаммадали Абдуқундузовнинг Абдулла Қодирий, Бобур ролларидан ҳалигача таъсирланаман.

Хуллас, отам Тошкентда актёрлар тайёрлайдиган ўқиш бор экан, шунга кирсанг, дедилар. Мен эса ишонмасдим. Амаким билан бирга Тошкентга келиб, Тошкент театр ва рассомчилик институтига ҳужжат топширдим. Буни қарангки, имтиҳонлардан ўтдим. Қобилиятим бор эканми, ҳар қалай мусиқали драма бўлимига қабул қилишди. Иккинчи курсдалигимда Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров театрга ишлашга таклиф қилган.

— Муқимий номли театрининг довруғини таратган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра», «Ватан ишқи», «Олтин

кўл» каби асарларга бугунги томошабин сизнингча қандай қарайди?

— Ҳар бир даврнинг ўз томошабини бор. Бу асарлар 50-60 йилларда қўйилган. Оғир кечган уруш йилларидан сўнг одамлар қахрамонона руҳдаги асарларни олқишлаб кутиб олганлар. Бундан ташқари кинотеатр ва театрларгина маданий хордиқ чиқариш маскани бўлган. Ҳозир эса одамларни хонадонидан олиб чиқиш қийинроқ. Негаки, спектаклми, киноми, концертми, ёки хоҳлаган йўналишдаги дам олиш дастурини уйда, ёки видеосалонда кўриш имкониятлари кўп, лекин томошабин барибир сеvimли санъаткори билан юзма-юз кўришишни истайди ва бунинг учун биз, ижодкорлар шу истакка лойиқ асарлар тайёрлашимиз керак.

— «Супер қайнона», «Куёвлар конкурси» каби енгил асарлар кўпайиб кетмаяптими?

— Тўғри, енгил руҳда ёзилган улар. Хордиқбол асарлар билан томошабини жалб этолсак, томошабин ҳам ўзига керагини танлаб олади.

— Яқинда «Куёвлар конкурси» спектакли саҳнага қўйилганининг 10 йиллиги нишонланди. Унда сиз сартарош йигит Коплонжонни ижро этгансиз. 10 йилдан бери саҳнадан тушмаган бу қахрамонингиз

кулгили ҳолатларга тушади.

— Бу спектакл 10 йил ичида неча маротаба кўрсатилган бўлса шунча марта кўрилмаган ҳолатларга дуч келганман. Ҳатто бир марта қахрамоним йўргалаб чиқиб кетадиган ёғоч устуннинг михларини саҳна ишчилари олиб ташлашни унутишган экан, пешонам тилиниб қонаб кетганча бир амаллаб сирғалиб тушдим. Албатта буни томошабин табиий қабул қила олди.

— «Кўнгил кўчалари», «Қабохатга қўйилган тузук», «Ал-Бухорий», ҳазрат Навоий ҳаётидан олинган телефильмлардаги ролларингиз, айниқса, «Тақдир» спектаклидаги қахрамонингиз Бўронни томоша қила туриб, комик йўналишдан кўра кўпроқ драматик образлар руҳиятингизга, ижодий қиёфанингизга кўпроқ мос келишини ўйладим...

— Агар рол танлаб олиш ҳуқуқи актёрга берилса, бу бошқа гап, лекин қандай характерда бўлмасин, ўйнашим керак. Чунки мен актёрман. Бу борада киноактёр Мурод Ражабовга ҳавасим келади. Комедияда комик актёр, драмада драматик актёр. Томашабин қандай рол бўлмасин, менинг ижромимдан нимадир олиши керак. Режиссёр ва муаллиф мақсадни, дардини билиб олиб, ўзининг дардимни унга қўшиб юборганимда мақсадга эришилади. Кейин қайтариқ бўлишини истайман, янги қиёфа берадиган роллар ҳар бир ижрочи учун қизиқарли бўлади. Мурод Ражабовнинг «Пари Момо» фильмидаги Султонали роли мен учун ана шундай қизиқарли ишлардан

бўлди. Бу қахрамоним икки йўл — эзгулик ва қабохат ўртасида қолиб қийналган, руҳий кечинмалари мураккаб кишидир.

— Сизни ҳаяжонга солган, унга мурожаат этишни хоҳлаган асар борми?

— «Ойдинда юрган одамлар» асари мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Лермонтовнинг «Испанлар» трагедиясини саҳнада кўргим бор.

— Машҳурликка қандай қарайсиз?

— Машҳурлиكنинг юки оғир, масъулияти каттадир. Уни оқлашни ижодий жасоратга тенглаштираман.

— Оилангиз билан ҳам таништирсангиз.

— Рафикам Навбахор болалар шифокори. Онамнинг хоҳиши билан унга уйланиб янгилимаган эканман. Уч ўғил, бир қизимиз бор.

— Ҳозир қандай роллар устиде ишламоқдасиз?

— Театрда «Алпомишнинг қайтиши» спектаклида Алпомишнинг дўсти Қоражон, «Аёл қалби»да Яхъё, «Машраб»да Маҳмуджон ролини яратмоқдам. Булар характери, ижтимоий келиб чиқиши билан бир-бирига мутлақо ўхшамаган роллардир.

— Мухлисларга тилакларингиз?

— Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшасинлар. Токи бу ҳавас фақат яхшилиқка етакласин...

Сухбатдош Жамила АСАДОВА.

Bolalik bog'i

КИТОВ

*Aql berdi menga kitob,
Baxtim topdim sevib uni.
O'qinglar deb, qilgum xitob,
Tushunasiz keyin meni.*

*Kim kitobni sevsa agar,
Orzuiga yetar tezroq.
Bu dunyoda bo'lmay abgor,
Shodlangay u topib o'rtoq.*



Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 12-16 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 15-20 метрга етади.

Ҳарорат кечалари 17-22, кундуз кунлари эса, 33-38 даража атрофида иссиқ бўлиши кутилади.

Янгийўл туманидаги «ULFAT» масъулияти чекланган жамияти ўз Низом жамғармасини 4 миллион 659 минг сўмгача камайтирганини маълум қилади.
Т. 53-39-10.

Тошкент шаҳар А.Икромов туманидаги «Дианема-Алекс» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Шайхонтоҳур туманидаги 38-таъин мактаби томонидан Холматова Матлуба Мамарозиқовна номига 1979 йилда 8-синфни тугатганлик ҳақида Г 014390 рақам билан берилган йўқолган гувоҳнома
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Акмал Икромов тумани ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор ТОШЕВ Самандар Фуломовичга савдо қилиш ҳуқуқини берувчи СД 000402 рақам билан берилган йўқолган гувоҳнома
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги тарих ва шарқ тиллари лицейи томонидан 2000 йилда Усмонов Даврон Раъшович номига берилган О"Р-А 909380 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

TOSHKENT HAQIQATI
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатда олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида тартибда ва саҳифаланади.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.